

# **ОИЛАДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВ МАСАЛАЛАРИ**

*Камбарова Дилфузә Солижоновна  
Андижон давлат университети  
Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада буюк алломаларининг тарбия ҳақидаги фикр ва қарашлари баён этилган бўлиб, ахлоқий камолотга эга бўлишининг тарбиявий тамоилилари кўрсатиб берилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** маънавий қадриялар, баркамол авлод, ахлоқий камолот, ўз-ўзини тарбиялаш, тарбиявий тамоилилар.

**Аннотация:** В статье рассмотрены взгляды и идеи великих мыслителей Востока о воспитании гармонично развитого поколения, раскрыты воспитательные принципы достижения нравственного совершенства.

**Ключевые слова и понятия:** духовные ценности, гармонично развитое поколение, нравственное совершенство, самовоспитание, принципы воспитания.

**Annotation:** There is discussed in the article views and ideas of the great thinkers of the East about bringing up a harmoniously developed generation, revealing the educational principles of achieving moral perfection.

**Keywords:** spiritual values, mature generation, self- training, educational principles.

Давлат ва жамиятнинг нечоғли мустаҳкам бўлиши инсонларнинг ақлу- иродасига, иймони ва соғлом эътиқодига боғлиқ. Оила жамиятнинг бир бўғинидир. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф- одатларни сақлайдиган, баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказадиган тарбия ўчоғидир. Демак соғлом оилалар жамият тараққиётини белгилайди.

Фарзандларимизни вазмин, хушфеъл, хушахлок бўлиб етишишлари учун ота-оналар тарбиявий имкониятлардан тўлиқ фойдалана билишлари керак. Чунки ота-она фарзанд тарбияси борасида кўпроқ масъулдир. Инсон камолотининг 50 фоизи 6-7 ёшгача бўлган даврларда амалга ошар экан. Демак, фарзанд тарбиясида кўп нарса оилага боғлиқ. Зеро, барча эзгулик деб аталмиш ҳисларнинг митти уруғлари бола қалбига оилада, оила муҳитида ташланади. Фарзанд олдидағи бурч ва масъулиятни унудиши тузатиб бўлмас хатоларга олиб келиши мумкин. Агар оилада, мактабда тарбияга мустаҳкам пойdevор қўйилган бўлса, турли салбий таъсирларга берилиш ҳоллари камайиши табиий. Фарзандларнинг баркамол руҳий дунёси, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари оилада ҳукм сурган соғлом маънавий муҳит ва соғлом турмуш тарзига боғлиқ. Ота-оналар маънавий жиҳатдан қанчалик бой бўлсалар, улар ўз фарзандларига нисбатан шу қадар жиддий ва масъулиятли бўладилар. Фарзандларидан яхши хулқ ва одобни талаб қилиш учун ота-онанинг ўзи ҳам инсонийлик, одамийлик фазилатларига эга бўлиши керак. Ўзида йўқ, ўзи муҳтоҷ бўлган ахлоқ-одобни фарзандидан талаб қила олмайдилар. Муҳими, оилада маънавий бўшлиқ бўлмаслиги, ёшларнинг назоратсиз қолиб умрларини мақсадсиз, бефойда ўтказишларига йўл қўймаслик керак. Зеро, ҳадиси шарифда «Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулқу-одобдан буюкрок мерос бера олмайди», дейилади. Шу билан бирга «Фарзандингизни иззат-икром қилиш билан бирга, тарбиясини, одобини ҳам яхшиланглар» деб фарзанд тарбиясида ота-оналар ўрнини белгилаб ўтилган. Вақтдан унумли фойдалана билмаслик, ҳар қунлик фаолиятни изга сололмаслик ёшлар онгига бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келади. «Мусибатларнинг энг каттаси вақтни бехуда кетказишдир», - дейилади ҳадис илмида. Дарҳақиқат, бехуда кетган вақтнинг бирор дақиқасини қайтариб бўлмайди. Ҳадисда бир бор берилган умрнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб қолишга даъват этилади. Инсон жиноятчи ёки тарбиясиз бўлиб туғилмайди. У оилада факат кўкрак сути, нон-чой, кийим-бош билангина эмас, балки таълим-тарбия, тушунча ва ғоялар билан ҳам парваришланиши лозим. «Соф сут билан кирган хулқ ўлгунча айнимайди», - дейилади ҳалқ

ҳикматларида. Ёшлар онгидаги маънавият, ахлоқ, иймон-эътиқод каби эзгу, инсоний фазилатларни юксалтиришга аҳамият бериш лозим. Чунки, шахснинг салоҳиятини унинг маънавий қиёфаси белгилайди. Оилалардаги тушунмовчиликлар, носоғлом муҳит парокандаликларга сабаб бўлади. Оилалардаги низонинг жабрини ота-онадан кўра кўпроқ фарзандлар тортадилар. Бу хол жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтиради. Шахслараро муносабатлар низоларсиз бўлмайди. Ижтимоий муносабатлар эса тегишли маълумот ва малака талаб этади. Демак, бу масалага онгли ёндашиш учун ҳар биримизга билимлар мезони ва ҳаракат дастури керак.

Ҳар бир вужуднинг ўзи алоҳида бир олам. Соғлом эътиқод эгалари ҳар қандай вазиятдан оқилона чиқиб кетиш йўлларини, ўзини салбий эмоционал ҳолатлардан ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқиши даркор. Оилада доимо аҳиллик ва тотувликнинг ҳукм суриши оиланинг муқаддаслигини ва даҳлсизлигини таъминлайди. Зеро, ҳаётда чинакам, тўлақонли инсоний баҳтни инъом этадиган ёки аксинча, ҳар томонлама таъминланган бўлишга қарамасдан баҳтини яримта қиласиган ҳам оилавий ҳаётдир. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, турли келишмовчиликлардан сақланишга ўргатиш лозим. Ота-она фарзандига шажараси ҳақида, аждодлари борасида амалий кўрсатмалар бериши керак.

Биз учун фарзанд тарбиясида маънавий асос бор. Шарқ алломаларининг оила ҳақидаги пурҳикмат фикрларини, оилавий муносабатлар ҳақидаги ҳадисларни ўрганиш орқали соғлом турмуш тарзини оқилона режалаштириш мумкин. Шундай экан, ёш авлодни маънавий жихатдан баркамол, замонамизнинг муносиб кишилари қилиб камолга етказиш ишларини янада такомиллаштириш ва энг муҳими соғлом эътиқодни тарбиялаш ишларига эътибор қаратмоқ лозим. Тарбиявий жараён ўта масъулиятли ва оғир кечадиган жараёндир. Агар жамиятнинг ҳар бир индивидуал шахсга бўлган талаби унинг баркамол инсон бўлиб шаклланишидан иборат эканлигини эътиборга олсак, тарбиянинг нақадар муҳимлигини кўрамиз. Инсоннинг маънавий маданияти шундай бир уммонки, унинг сехрли сирларини оча борган сари янги-янги

қирралари мавж ура бошлайди. Инсоннинг маънавий фазилатлари уни қанчалик юксакларга қўтарса, аксинча салбий жиҳатлари уни тубанликка судрайди. Инсон хулқ-одобининг бу икки жиҳатини унинг ички дунёси, маънавиятини ўлчовчи тарозининг икки палласига қўйилган юкларга ўхшатиш мумкин. Инсон маънавий жиҳатдан салбий томонга ҳам, ижобий томонга ҳам мойиллик ҳолатида бўлади, натижада кутилмаган низолар келиб чиқиши мумкин. Инсоннинг маънавий дунёқараси қанчалик соғлом бўлса, у шунчалик пасткашлик ботқоғига ботишдан йироқ бўлади ва аксинча, инсон қанчалик тубанлиқда бўлса, уни бу тубанлиқдан тортиб олиш шунчалик мушкул бўлади. Шудгорда маданий ўсимликларга қараганда ёввойи ўтлар тезроқ илдиз отганидек, ахлоқ борасида тубанлашиш осон, лекин юксалиш қийин.

Ҳаётдаги ўзгаришлар оила ёки ижтимоий муҳит таъсири остида рўй берсада, эътиқоднинг соғломлиги инсонни юриш туришини тартибга солади. Одамнинг қалби, онги доимо ҳаётбахш соғлом ғояга эҳтиёж сезиб яшайди. Жамият ҳаётида соғлом ғоя устивор бўлмаса, одамларнинг қалби ва онгини ёт, зарарли ғоялар эгаллаб олади.

Бу борада Шарқона ва миллий қадриятларимиздан фойдаланиш, таълимтарбия тизимида ҳаётга нисбатан ахлоқий муносабатни, мустаҳкам эътиқодни тарбиялаш муҳимдир. Тарихимиз ойдинлашгани сайин, ота-боболаримиз яратган маънавий мерос сарчашмалари янада мукаммаллик касб этмоқда. Шарқда азалдан комилликка интилиш ҳар томонлама олий қадрият даражасига қўтарилиган. Шахснинг зоҳирий ва ботиний оламини, айниқса, қалб оламини ўрганиш, билиш, таҳлил этиш ғоятда қийин, бу руҳият билан боғлиқ ҳолатдир. Айниқса, оилавий масалаларда аждодлар меросидан унумли фойдаланиш бу борадаги ишларни мазмунан бойитади.

Биз одамларни дунёда яшагани учун эмас, балки ахлоқан етуклиқ даражасига қўтарилигани билан қадрлаймиз. Бу дунёдан доно ҳам, нодон ҳам, тўғри ҳам, эгри ҳам ўтади. Инсонга яхши ахлоқ шон-шуҳрат келтиради. Шу сабабли ўтганларга бир хил баҳо берилмайди. Саҳоватли ишлар билан қолдирилиган яхши ном инсон учун иккинчи умрдир. Куръони Каримда «Одам

боласини ҳамма нарсада мукаррам этдим» дейилади. Бу буюк инсоний шарафнинг қадрига етмоқ керак. Дунёда инсондан улуғ хилқат йўқ. Шунинг учун инсон гўзал хислатлар, яхши фазилатлар, соғлом эътиқод ва покиза умидлар билан комилликка интилиб яшashi керак. Инсонда ақл билан нафс туйгуси бўлиб, нафс худбинликни, «ўзим бўлай» фалсафасини яратади. Нафс домига тушган инсон ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳаром-хариждан ҳазар этмайди. Оқибатда у золим, риёкор бўлиб қолади, турли кўнгилхираликлар ва низоларнинг сабабчисига айланади. Эзгуликни англаш, маънавият чашмасини излаш инсон эътиқодини белгиловчи эҳтиёждир.

Фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи долзарб. Соғлом эътиқод баркамолликнинг белгисидир. Баркамолликка эришиш жамиятимизнинг бугуни, эртаси ва келажаги учун муҳим бўлган жараёндир. Ҳар томонлама баркамол бўлишга уриниш барча давр ва миллат кишиларига хос бўлган умуминсоний, боқий фазилатдир. Жамиятни ислоҳ қилишни ҳар биримиз ўзимиздан, оиласиздан бошламоғимиз керак. Бундай онгли ёндашув бизни ҳаёт қадриятларига яқинлаштиради, соғлом турмуш сари олиб боради.

Маърифатпарвар олим Ризоуддин Ибн Фахруддиннинг “Оила” асарида оиласада фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор берилган. Бир бола дунёга келуви бирла, унинг энг аввалги тарбия мактаби онасининг қучоғидир. (2.57) Оналар болаларининг бошидаги мақтовли тождирлар. (2.58) Болага гўзал тарбия берилмаса, шу ҳолнинг ўзи ҳам тарбиясизликка ўргатиш бўлур. (2.11) Буюк бир зот: “ҳар бир хотуннинг ақлини ўлчамоқчи бўлсангиз, унинг қўл остидаги болаларига боқинг!”, деган экан. (2.13) Хотун агар гўзал хулқли бўлса, бутун оиласининг роҳатидир. (2.22)

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. К.Хошимов. С.Нишонова Педагогика тарихи. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент, 2005 йил
2. Ризоуддин Ибн Фахруддин. “Оила” рисоласи. Тошкент- “Мехнат”, 1991 йил.